

Ҳомиджон домла Ишматбеков нуфузли мукофот билан тақдирланди



09:09 / 13.10.2023 904

2023 йилнинг 10-11 октябрь кунлари Қозоғистон Республикаси Остона шаҳрида Жаҳон ва анъанавий динлар етакчилари қурултойи Котибиятининг XXI-йиғилиши бўлиб ўтди.

Дунёнинг 23 давлатидан келган дин пешволари Жаҳон ва анъанавий динлар етакчиларининг VII қурултойида қабул қилинган Декларация қоидаларини амалга оширишни муҳокама қилдилар. Давра суҳбатида турли динлар, халқаро ташкилотлар вакиллари қаторида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков иштирок этди.